



## Ислом Нури

Биринчи ўғлим туғилганда ёшим ўттиздан ошмаганди. Ҳозиргача ёдимда... ошналарим билан тонггача чойхонада ўтириб чиқдик. Кеча қуруқ гаплар, ғийбат ва ҳаром сўзлар билан ўтди. Бу кеча чавандози ўзим, ҳаммани кулдириб масхара қилиб ўтиришни роса қизитдим. Ҳалигача эсимда уларни жуда кўп кулдирдим. Ўзиям одамларга гапириш услубларига, юриш туришларига тақлид қилишга жуда уста эдим-да.

Овозимни ўзгартириб масхара қилмоқчи бўлган киши овозидек гапира олардим. Ҳаммани масхара қилардим. Ҳатто ўз дўстларим ҳам қуруқ қолишмасди. Бундан озорланган баъзи дўстлар ўзларини мендан олиб қочишарди. Ахир мендек биров айбини ҳаммага «дастурхон» қиладиган ошнага ким ҳам чидарди!?

Ўша куни бозорда тиламчилик қилиб юрган бир кўр чолни учратиб қолдим. Уни орқасидан юриб эрмакладим. Бу ҳам етмагандек олдимдан ўтиб кетаётганда ҳеч кимга билдирмай чалиб юбордим. Чол мувозанатини йўқотиб юзи билан йиқлиб тушди. Мен эса баланд овоз билан мазза қилиб кулдим. Кечқурун ошналаримга ўша воқеани айтиб, чолнинг қилиқларини, йиқилишини ўхшатиб тоза ичакларини уздим.

Одатдагидек уйга кеч қайтдим. Хотиним кутиб ўтирарди.

Қалтироқ овозда сўради: Рошид.. қаерда эдингиз?

-Марсда эдим.. қаерда бўлардим – доимгидек ошналарим билан эдим.



## Ислом Нури

Ҳорғин кўринарди. Йиғисини зўрға босиб: – Рошид мен қаттиқ оғриябман.. Кўзим ёриши вақти яқинлашди шекилли.

Яноғидан бир томчи ёш думалади.

Шундагина хотинимга бепарволик қилганимни ҳис қилдим.

Ахир мен шу кунларда унга кўпроқ қарашим, тунги ўтиришларни йиғиштиришим керак эди. Ахир у тўққизинчи ойига ўтган.

Зудлик билан машинага ўтиргизиб туғуруқхона томон шошилдим.

Туғуруқхонага қабул қилиб олишди. Хотиним учун узоқ ва оғриқли соатлар бошланди.

Бесабрлик билан кута бошладим. Қани энди тезроқ тугаса. Йўқ туғиши жуда кечикиб кетди. Узоқ кутиб чарчадим ва уйга кетишга қарор қилдим. Кетиш олдидан ҳамшираларага телефон рақамимни бериб,  
хотиним эсон-омон енгиллаб олса хабар беришларини илтимос қилдим.

Бир соатдан сўнг Салим дунёга келгани ҳақида хушхабар олдим. Ха биринчи фарзандим ўғил бўлибди.

Тезда туғруқхонага етиб келдим. Дуч келган ҳамширадан хотиним ётган хонани сўрадим.

– Сиз аввал навбатчи табибга учрашингиз зарур! – деган жавоб олдим.



## Ислом Нури

- Мени навбатчи табиб қизиқтирмайди. Мен биринчи ўғлимни кўришим керак!

Уларнинг кўрсатмаси менинг бақирикларимдан устун келди. Табиба мен билан кўришганда ҳар хил мусибатлар, тақдирга рози бўлишдан гап бошлади.

-Ўғлингиз кўра олмаслиги мумкин. Текширишларимиз уни туғма кўрлигига ишора қилмоқда!!

Бошим эгилди. Кўз ёшларимни зўрға тийдим. Кўз олдимдан тиламчи чол.. кўзи кўр тиламчи чол ўта бошлади. Унинг осмонга кўтарган қўллари кўзим олдидан ўта бошлади. Ҳа ўша кеча мен эрмак қилган кўр чол. Нимага ҳам уни чалдим!? Ахир унинг одамлардан кулги бўлишига сабаб бўлдим - ку! Нима бу - қайтар дунёми? Ёки «бировнинг устидан кулмагин зинҳор»..

Ўзимни қўлга олдим. Табиба билан хайрлашиб хотинимни кўргани чиқдим.

Хотиним ҳафа кўринмасди. Тўғрида, уни кўп синаганман, Аллоҳ ёзган тақдирга доимо рози бўладиган, сабрли мўъмина аёл эди. Мендан бировларни масхара қилишни бас қилишга чақирарди.

- Одамларни ғйбат қилманг!- қайтарарди доимо.

Тез кунда хотиним уйга қайтди. Албатта Салим ҳам бирга.

Ростини айтсам унга кўп аҳамият бермадим. Гўё Салим бизнинг хонадонимизда йўқдай. Йиғиси кўтарилса бошқа хонага қочаман.



## Ислом Нури

Хотиним эса уни қаттиқ севар, у билан овунарни.

Мен уни ёмон кўрганман демайман! Йўқ! Лекин сева олмадим.

Кунлар шу зайлда ўтар. Салим тез катта бўлиб эмаклай бошлади.  
Эмаклаши ҳам ғалати!

Бир ёшга тўлганда юриш ҳаракатига тушди.. Ана шунда яна бир нарса  
бизни дахшатга солди – Салим чўлоқ ҳам экан!

Мен уни ўзимдан янада узоқлаштирдим.

Кетма – кет яна икки фарзанд – Умар ва Холид – дунёга келди.

Йиллар тез ўтар, Салим ва укалари улғайишарди.

Уйда ўтиришни ёқтирмасдим.. доим ошналарим билан вақт ўтказаман.

Ошаналарим учун мен эрмак эдим.

Хотиним бўлса йиллар давомида мени тўғри йўлга солишга  
интиларди.

Доим менга ҳидоят сўраб дуо қиларди. Менинг куракда турмас  
қилиқларимдан аччиқланмасди. Лекин Салимни қўйиб укаларига  
эркалатишим уни ҳафа қиларди.

Салим катта бўлди. Ғамлар ҳам у билан тенг катта бўлди. Хотиним  
Салимни ногиронлар уйига топширмақчи бўлганда иккиланмасдан  
рози  
бўлдим.



## Ислом Нури

Йиллар ўтди. Куним бир зайлда ўтарди. Иш, уйқу, овқат, тонготар суҳбатлар...

Жума куни эди..

Чошгоҳга яқин, соат ўн бирларда уйғондим.. бу мен учун жуда эрта. Хайрон бўлманг, бунинг сабаби мени меҳмондорчиликка чақирганди.

Башанг кийиниб, атир сепдим. Ана энди кетсак ҳам бўлади!

Ётоқхонадан чиқиб салондан ўтарканман Салимга кўзим тушиб тўхтаб қолдим.. у эзилиб йиғларди. Гўдаклигидан бери биринчи кўришим йиғлашини.. йиллар ўтди.. унга қиё боқмагандим.. унутишни истардим.. Қийин экан, чидай олмадим. Мен унинг яқнида бўлсам ҳам доим у онасини чақирарди..

Унга юзландим, яқинлашиб сўрадим: - Ўғлим, нега йиғлаябсиз?

Овозимни эшитиб йиғидан тўхтади.. мени яқинда турганимни сезиб қўлчалари билан атрофни пайпаслаб кўра бошлади.. хонасини мўлжаллаб юрди.. нима қилмоқчи у? ахир мендан қочябдику!!

- Мени энди сездингизми? Шунча йиллардан бери қаерда едингиз?- демоқчимми?!

Орқасидан бордим. Хонасига кириб улгирди бояқиш. Менга йиғиси сабабини айтишгни истамасди. Юмшоқлик билан гап олишга ҳаракат қилдим. Аста секин очилиб йиғиси сабабини айтди.. ҳар доим уни масжидга элтадиган Умар бугун кеч қолябди экан. Ахир бугун жума-ку! Масжидга эрта бориш керак. Биринчи сафда жой қолмаса



## Ислом Нури

нима

қилади?! Умарни чақирибди, жавоб йўқ. Онасини чақирибди , жавоб йўқ. Кейин йиғлашга тушибди.

Кўр кўзлардан сизиб чиқаётган ёшларга термуламан. Қолган сўзларини эшита олмадим.. кўлимни секин оғзига қўйиб юмшоқ овозда:

шунга йиғладингми ўғлим!

Кўрқиб: - ҳа! - деб жавоб берди.

Дўстларимни унутдим..меҳмондорчиликни ҳам..

- Салим ҳафа бўлма! Бугун сени масжидга ким олиб боришини биласанми?

- Албатта Умар.. лекин нимагадир у йўқ.

- Йўқ ўғлим! Сени мен олиб бораман.

Салим хайрон бўлди. Қулоқларига ишонмади.

- Нима дадам мени ҳам масхара қилмоқчимми? - бир икки ҳиққиладида яна йиғлай бошлади. Мен унинг кўз ёшларини артиб қўлидан олдим. Машинда олиб бормоқчи эдим унамади.

-Масжид яқин-ку! Масжидга пиёда бормоқчиман! Аллоҳга қасам ичаман у шундай деди - пиёда бораман!

Охирги марта масжидга қачон қадам босганман, ёдимда йўқ. Лекин шуниси аниқки бу биринчи марта масжидга кирганимда юрагимда



## Ислом Нури

Аллоҳдан кўрқинчни хис қилдим. Узоқ йиллар давомида зое бўлган умримга афсуслар чекдим.

Масжидда намозхонлар кўп экан. Лекин бир амаллаб Салимга биринчи сафдан жой топдим. Жума хутбасини тингладик. Кейин бирга намоз ўқидик. Мен билан ёнма - ён ўқиди. Кечирасиз балки мен унинг ёнида ўқидим. Намоз тугагач Қуръон олиб беришимни сўради. Хайрон бўлдим, у қандай қилиб Қуръон ўқиши мумкин. Аввал ўзимни эшитмаганга солмоқчи бўлдим. Кейин ўйланиб ҳафа бўлмасин дедимда Қуръон олиб тутқаздим.

- Каҳф сурасини очиб беринг!

Қуръонни ушлаб вароқлайман, қанийди топа олсам ўша сурани. Мундарижага қарайман. Зўрға топиб, Қуръонни қўлига тутқаздим. Мендан Қуръонни олиб олдига қўйди. Каҳф сурасини ўқий бошлади. Ажабо унинг кўзлари юмуқ! Демак бу сурани тўла ёд биларкан! Ё Аллоҳ!.

Ўзимдан уялдим. Мен ҳам қўлимга бир Қуръон олдим. Қўлларим қалтирайди. Кўзларим Қуръон сатрлари узра югуради.. югуради.. Аллоҳга дуо қиламан: - Эй Роббим гуноҳларимни кечир! Менга ҳидоят бер! Ўзимни тута олмай қолдим. Ёш болалардек йиғлай бошладим. Масжидда суннат ўқиш билан машғул одамларни ўйлаб йиғимни босаман.

Лекин йиғи ҳиққиллаш ва бироздан сўнг хўнграшга айланди.

Шунда бир қўл - жажжи қўл юзларимни силаб, кўз ёшимини арта



## Ислом Нури

бошлади. Салим, мен уни кучоғимга босаман. Юзларига термуламан: – Сен кўр эмассан ўғлим, кўр менман! Фосиқлар ортидан дўзахга судралиб кетаверибман..

Уйга қайтдик. Хотиним Салимдан қаттиқ хавотир олиб ўтирган экан. Бизни бирга жума намозидан қайтганимизни кўриб кўнгилдаги хавотир ёшларга айланиб ўзини изҳор қилди.

Шу кундан бошлаб ҳамма намозни масжидда жамоат билан ўқишни канда қилмадим. Эски ошналарни ҳам ташладим. Масжиддан ўзимга янги – яхши ошналар топдим. Улар суҳбатидан иймон ҳаловатини топдим.

Улар суҳбатида дунё ишларидан машғул қиладиган нарсалар топдим.

Аллоҳ зикр қилинадиган мажлисларни ошно тутдим. Витр намозини одат қилдим.

Қуръонни бир неча хатм қилдим.

Тилимдан Аллоҳ зикри тушмай қолди: қани энди Аллоҳ гуноҳларимни – гийбат ва масхараларни кечса?

Оиламга нисбатан яқинлик сездим. Хотиним кўзидаги менга бўлган ачиниш – хавотирлар кетди. Салим бўлса доимо хурсанд. Уни кўрган киши бу бола бир дунё бойлик ютганми деб ўйлайди.

Аллоҳнинг неъматларига шукроналар қиламан.





## Ислом Нури

Кунларининг бирида янги ошналарим узоқ жойга даъват мақсадида сафар қилмоқчи бўлишди. Мен ҳам борсаммикин? Дарров Аллоҳдан яхшилик сўраб истихора намозини ўқидим.. хотиним билан ҳам маслаҳатлашдим. Мен ундан бормаслигимни маслаҳат беришини кутгандим.. Йўқ акси бўлиб чиқди. Тоза хурсанд бўлди. Фикримни қўллади. Нима учун хурсанд бўлмасин ахир илгари вақтларимда унга индамай фиска - фужур учун сафарга чиқиб кетверардимда-да.

Салим олдига кирдимда унга мен сафар қилаётганимни айтдим.  
Жажжи  
қўллари билан бўйнимдан қучоқлаб хайрлашди.

Сафаримиз уч ярим ой давом етди. Фурсат топишимга оиламга телефон очардим. Ҳол аҳвол сўрардим. Ҳаммаси билан бир - бир гаплашардим. Уларни жуда соғиндим! Айниқса Салимни, сабаби у билан сафарга чиққанамдан буён гаплашмагандим. Овозини бир эшитсам эди! Ҳар гал телефон қилганимда йўқ бўлади, гоҳи мадрасада, гоҳи масжидда. Салимга бўлган иштиёқимни айтиб берсам хотиним хандон отиб кулар, хурсанд бўларди. Фақат охирги марта телефонда гаплашганимизда одатдагидек кулмади. Саломимни етказшини тайинлаганимда ҳам: - яхши, ин ша Аллоҳ! - деб қўя қолди.

Мана ваниҳоят уйга ҳам қайтдим.. қўнғироқ чаламан ..

- Қанийди эшикни Салим очса!- хайёлимдан ўтади.

Эшик очилиб тўрт яшар ўғлим Холид кўринди. Дарров уни қучоғимга



## Ислом Нури

олдим.

- Дада.. дадажон.. бақирарди у.

Уйга кирганимда нимагадир юрагим орқага тортди. Аузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм!

Хотиним менга пешвоз чиқди. Табассуми сирлик. Кўрган одам ўзини хурсан қилиб кўрсатябди деб ўйлайди. Юзига тикилдим.

- Сенга нима қилди?

- Ҳеч!

-Салим қани?- сўрайман Салим ёдимга тушиб.

Бошини қуйи солди. Жавоб йўқ. Кўзларидан икки томчи ёш думалади. Шунда Холиднинг сўзлари қулоқларим остида жаранглади: - дада Салимчи .. жаннатта кетти! Аллоҳ олдида..

Хотиним ўзини бошқа тутиб тура олмади. Йиғилай бошлади, ўзини йўқотиб йиқилай деди-ю ўнгланиб хонадан чиқди.

Кейинчалик билдим. Салим мен келишимдан икки ҳафта олдин қаттиқ истималабди. Онаси касалхонага олиб борибди. Касалхонада аҳволи янада оғирлашибди. Она бечора ўғли атрофида гирён айланибди. Ҳеч қанча ўтмай жони узилибди.